

“ _____ ” _____ 20____ йилдаги
 Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари
 кўрсатиш бўйича _____ - сонли Шартномасига
 7-илова

**Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан
 пластик карталарга хизмат кўрсатиш
 ШАРТЛАРИ
 ТАРИФЛАР**

Шартлар	Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектиларида пластик карталарига хизмат кўрсатиш Шартлари
SmartVista	Савдо терминали бўйича транзакциялар ўтказиш имкониятини тақдим қиладиган Ягона умумреспублика процессинг марказидаги дастурий мажмуа.
Карта	Ўзбекистон Республикасининг банклари томонидан эмиссия қилинган EMV-стандарти сўмдаги микропроцессорли дебет тўлов пластик картаси ёки Халқаро тўлов тизими (ХТТ) Банк-аъзолари томонидан чет эл валютасида эмиссия қилинган Халқаро тўлов тизимининг тегишли стандартларига ва талабларига жавоб берадиган ҳар қандай амалдаги шахсий пластик картаси.
Халқаро тўлов тизими (VISA, Union Pay)	Халқаро тўлов тизими (ХТТ) халқаро муомаладаги Банк карталари орқали товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва/ёки нақд пул олиш тизимидан иборат. Халқаро тўлов тизими фаолият қоидаларини белгилайди ва Халқаро тўлов тизими аъзолари ўртасида тегишли валюталар конвертацияси билан карточка операциялари бўйича клиринг ҳисоб-китобларини амалга оширади.
Авторизация	Банкдан Карта бўйича транзакцияларни амалга ошириш учун рухсат олиш ёки тақиқлаш орқали Карта эгасининг тўлов қобилиятини текшириш тартиботи.
Карта эгаси	Карталардан нақд пулсиз тўлов воситаси сифатида фойдаланадиган жисмоний/ юридик шахс/ яқка тартибдаги тадбиркор. Карта эгасининг Картадан фойдаланиш қонуний ҳуқуқига эгаллиги унинг Карта Шахсий идентификациялаш рақамига эгаллиги билан тасдиқланади.
Савдо терминали	Тўлов терминали (Point Of Sale – POS терминал), бундан буён матнда – “Ускуна” – Картанинг тўлов қобилияти текширилишини ва Карталар бўйича ахборотнинг электрон шаклда тўпланишини ҳамда процессинг марказига электрон шаклда узатишларни амалга оширадиган қурилма.
Транзакция	Савдо терминалининг Карта билан дастурий ўзаро муносабатларидан иборат бўлиб, бунинг натижасида Карта ҳисобварағидан пул маблағлари чегириб олиниши учун ўтказма шакллантирилади, сўнгра операция ва комиссия суммаси миқдорида ижро этилади.
Бекор қилинган тўлов/Тўловни рад қилиш (chargeback)	Банк-эмитент томонидан Банкка мунозарали транзакция бўйича маблағлар қайтарилиши тўғрисида талабнома тақдим қилиниши.
Мунозарали транзакция (Disputetransaction)	Карта эгаси унинг карточка ҳисобварағидан маблағлар чегириб олинишига рози бўлмаган вазият. Бундай ҳолатларда, Карта эгасининг аризасига асосан ушбу транзакциялардан норози бўлиб шикоят аризаси бериш учун текширув амалга оширилади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар	Карталар бўйича операциялар чекларининг қоғоз шаклидаги асл нусхалари/ нусхалари/ дубликатлари, шунингдек Амалиёт кун мобайнида Савдо терминали орқали ўтказилган барча Транзакциялар бўйича Савдо терминали назорат лентасининг асл нусхалари/нусхалари.
СТОП-ЛИСТ	Банк томонидан хизмат кўрсатилмайдиган ва Банкка қайтариладиган йўқотилган/ ўғирланган/ ҳақиқий бўлмаган Карталар рақамларининг электрон рўйхати.
ШИР-код (Шахсий идентификациялаш рақами)	Карта эгасининг шахсий идентификация рақами бўлиб, у карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга Карта эгаси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди
Банк тарифи	“Гарант банк” АЖ томонидан банк хизматлари кўрсатилганлиги учун амалдаги комиссия ҳақи тарифи.
Инфратузилма	Банкнинг шахсий компьютерлар ва Карталарни хизмат кўрсатиш учун қабул қиладиган бошқа электрон курилмалар базасида савдо, касса терминаллари, банкоматлар, автоматлаштирилган иш жойлари мажмуи.
Ҳисоб-китоб банки	Ўзбекистон Республикасининг Халқаро тўлов тизими (ХТТ) Карталаридан фойдаланилган ҳолда ўтказилган операциялар бўйича тизимнинг бошқа иштирокчилари ўртасида Халқаро тўлов тизими бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадиган банки. Ҳисоб-китоб банки ва Тизим иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги амалдаги шартномалар асосида амалга оширилади.
ЧЕК	Товар харид қилинганлигини ёки ишлар/хизматлар учун тўловни тасдиқлайдиган ҳужжатдан иборат бўлиб, унда товар/ишлар/хизматлар нархи, тўлов санаси ҳамда савдо-хизмат кўрсатиш пункти номи ва жойлашган манзили кўрсатилади.
Тўлов тизими оператори (процессор)	“Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ ҚК, унинг ҳудудида ахборот тўпланиши, ишланиши ва тарқатилишини таъминлайдиган технологик платформа ўрнатилади ва фаолият юритади, шунингдек Банк карталари эквайрингига техник хизмат кўрсатиш амалга оширилади. “НУМО” (бундан буён матнда – “НУМО” Миллий тўлов тизими) – пул маблағлари ўтказмаларини, шу жумладан Банк карталаридан фойдаланилган ҳолда амалга ошириш мақсадида Ижрочи, Банк ва тўлов тизимининг бошқа иштирокчилари ўзаро муносабатлари орқали тўловлар амалга оширилишини таъминлайдиган тўлов тизими иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар мажмуи.

ШАРТЛАР ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк мазкур шартларига асосан қуйидаги тартибда Мижозга хизматларни тақдим қилади:

1. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида (Шартнома 10-иловасининг 7-Жадвали) Банк Савдо терминаллари (тўлов терминаллари) шартлар амал қилиш муддати давомида вақтинча эгаликка ва бепул фойдаланишга беради, Мижоз (Ташкилот) эса қабул қилиб олади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 239-моддаси 3-қисми ҳисобга олинган ҳолда).

2) Мижоз (Ташкилот) ва харидор – Карта эгаси ўртасида харид қилинган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларни электрон таъминлаш бўйича Ташкилотга “UZCard”/“Хумо” тўлов тизимидаги терминаллари, яъни Банк томонидан тақдим қилинадиган Савдо терминалларида транзакцияларни амалга ошириш орқали хизматлар тақдим қилади, Ташкилот эса қабул қилиб олади.

1.2. Мижоз (мижознинг ваколатли вакили) ушбу Шартларда назарда тутилган банк хизматларини кўрсатиши учун Банкка Ариза билан, мижозга хизмат кўрсатиш, улар билан келишиш ва мазкур Шартларда назарда тутилган хизматларни тақдим этиш шартлари ҳамда бошланиш санаси юзасидан ёзма равишда муурожаат қилади.

2. БАНК ТОМОНИДАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ТАҚДИМ ҚИЛИНИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Банк томонидан мазкур Шартлар доирасида Мижоз(Ташкилот)га берилган Савдо терминали Банк мулки ҳисобланади.

2.2. Мижоз(Ташкилот) томонидан Карта бўйича ўтказилган ҳар қандай транзакция авторизация қилиниши талаб қилинади.

2.3. “UZCard”/”Хумо” тизимидаги терминаллар бўйича савдо-хизмат кўрсатиш Мижоз(Ташкилот)нинг савдо терминали орқали муваффақиятли ишланган транзакция учун комиссия ҳақи Банк тарифларига асосан белгиланади.

2.4. Шартлар бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

3. БАНК ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

3.1.1. Мижоз (Ташкилот) ва Карта эгаси ўртасида харид қилинган товарлар (хизматлар, ишлар) учун нақд пулсиз электрон ҳисоб-китобларни амалга оширилишини таъминлаш бўйича Савдо терминаларида транзакцияларни амалга ошириш орқали Мижоз (Ташкилот)га хизматлар тақдим қилиш.

3.1.2. Мазкур Шартлар тузилган пайдан эътиборан 3 кун мобайнида Мижоз (Ташкилот)га ушбу Шартнома 10-иловасининг 7-Жадвалда келтирилган Қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида Савдо терминаларини фойдаланиш учун топшириш;

3.1.3. Савдо терминалини топшириш-қабул қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Банк номидан “Гарант банк” АЖ филиалининг масъул ходими томонидан Мижоз (Ташкилот)нинг ходимига Савдо терминали “Савдо терминалини топшириш-қабул қилиш далолатномаси”га асосан топширилади;
- Мижоз (Ташкилот ходими) Савдо терминалининг ишга яроқлилигини ҳамда терминалнинг модели, тури, серия рақами далолатномага мослигини текшириб олади;
- Агарда барча маълумотлар тўғри бўлса ва Савдо терминали ишга яроқли ҳолда бўлса Томонлар мазкур Далолатномани имзолайдилар.

3.1.4. Мижоз (Ташкилот)нинг ёзма талабномаси асосида мазкур шартноманинг 6-иловасига мувофиқ “Ташкилот учун Савдо терминалида Карта эгаларига хизмат кўрсатишга доир йўриқнома” бўйича Мижоз (Ташкилот) ходимлари ўқишини амалга ошириш. Ўқиш натижалари асосида Банк ва Мижоз (Ташкилот)нинг ваколатли вакиллари ўртасида “Мижоз (Ташкилот) ходимлари ўқишини амалга ошириш далолатномаси” тузилади ва имзоланади, ушбу далолатноманинг намунаси ушбу Шартнома 10-иловасининг 8-жадвалида келтирилган.

3.1.5. Банк томонидан тўлов тизими операторидан транзакциялар тўғрисида маълумотлар олинганидан сўнг навбатдаги банк кунидан кечиктирилмай Мижоз(Ташкилот) билан Карталар орқали ўтказилган операциялар бўйича ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш, бунда ҳисоб-китоб пайтида Банкнинг амалдаги тарифига асосан Банк хизматлари қиймати ва муваффақиятли ишланган транзакция учун комиссия ҳақи чегириб олинади.

3.1.6. Мижоз (Ташкилотлар) банк карталари орқали амалга оширган операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида бажарилишини ва унинг тўғрилигини таъминлаш;

3.1.7. Ўзи иштирокчи бўлган тўлов тизимининг барча банк карталарига хизмат кўрсатиш;

3.1.8. Банк карталари орқали ўтказилган операциялар бўйича Мижоз (Ташкилот)лар билан ўзаро ҳисоб-китобларни вақтида ва тўғри амалга оширилишини таъминлаш;

3.1.9. Мижоз (Ташкилот)га Банк Тарифларига киритиладиган барча ўзгартишлар ҳақидаги ахборотни Банкнинг расмий сайти ва Банк муассасаларида жойлаштирилган ахборот стендлари орқали маълум қилиш.

3.2. Банк товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси олдида банк картаси орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича қуйидаги ҳолларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

3.2.1. Мижоз (Ташкилот) банк карталари орқали операцияларни амалга оширишда тузилган шартномаларда ўрнатилган қоида ва тартибни бузганда;

3.2.2. Мижоз (Ташкилот) томонидан ўтказилган тўлов операцияси тўғрисида ҳужжат ёки ахборотлар мавжуд бўлмаганда;

3.2.3. Товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилганда.

3.3. Банк қуйидагиларга ҳақли:

3.3.1. Мижоз(Ташкилот) томонидан Йўриқноманинг “Фойдаланиш шартларига талаблар” бўлими талаблари бузилиши натижасида Транзакциялар суммалари ва бошқа параметрлари тўғрисидаги ахборот йўқотилган ёки бузиб кўрсатилган ҳолатда Ташкилот ҳисобварағига ушбу транзакциялар суммасини ўтказмаслик. Тегишли талаблар бузилишлари ва оқибатлари бартараф этилганидан сўнг ўтказмани тиклаш.

3.3.2. Процессор ва/ёки Ҳисоб-китоб банки томонидан тақдим қилинган ахборот асосида Мижоз(Ташкилот)дан бекор қилинган тўловлар бўйича зарарни талаб қилиш;

3.3.3. Амалга оширилган Транзакциялар ёки ўрни қопланган Транзакция учун Мижоз (Ташкилот)га такрорий қоплаб беришни амалга оширмаслик.

3.3.4. Карточкалар эгалари Савдо терминали орқали товарлар/ хизматлар учун нақд пулсиз тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлган савдо-хизмат кўрсатиш Мижоз (Ташкилот)ларининг реклама-ахборот рўйхатида Мижоз (Ташкилот)ни киритиш тўғрисида бир томонлама тартибда қарор қабул қилиш.

3.3.5. Мижоз (Ташкилот)дан Банкнинг Мижоз (Ташкилот)га хизмат кўрсатиш бўйича комиссия ҳақини ва Банкнинг амалдаги тарифларига асосан “UZCARD” ва “HUMO” тизимидаги терминаллар бўйича савдо-хизмат кўрсатиш Мижоз (Ташкилот)нинг савдо терминали орқали муваффақиятли ишланган транзакция учун комиссия ҳақини олиш. Келгусида комиссия ҳақи миқдори Шартнома шартларида ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

3.3.6. Мижоз (Ташкилот)нинг Савдо терминалларида фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши бўйича тўсатдан текширувларни амалга ошириш.

3.3.7. Банкнинг амалдаги тарифларига асосан қуйидаги ҳолатларда Мижоз (Ташкилот)дан етказилган зарар қийматини ундириш:

- Мижоз (Ташкилот) томонидан Савдо терминалининг йўқотилиши;
- Савдо терминалининг жисмоний бузилиши оқибатида унинг ишга яроқсиз ҳолатга келиши.

3.3.8. Савдо терминалининг бузилиш ҳолати “Ишга яроқсизлик тўғрисида далолатнома-хулоса” билан расмийлаштирилади ва тасдиқланади. Далолатнома намунаси ушбу Шартнома 10-иловасининг 10-Жадвалида келтирилган. Сўнгра Савдо терминалларида техник хизмат кўрсатувчи сервис-марказининг мутахассислари томонидан яроқли-яроқсизга саралаш (дефектация) далолатномаси тузилади, ушбу далолатнома асосида терминалнинг қиймати ва таъмирлаш муддатлари белгиланади. Савдо терминалининг йўқотилиш ҳолати “Савдо терминалининг йўқотилганлиги тўғрисида далолатнома” билан расмийлаштирилади ва тасдиқланади. Далолатнома намунаси ушбу Шартнома 10-иловасининг 11-Жадвалида келтирилган.

3.3.9. Ташкилот мазкур Шартларнинг 4.1.8. - банди ва/ёки 4.1.13. - банди бузилган ҳолатда, шунингдек уч ой мобайнида транзакциялар амалга оширилмаганда ва/ёки Савдо терминал тақдим қилинганлиги учун комиссия бўйича қарздорлик бўлган ҳолатларда Шартларни бир томонлама тартибда бекор қилиш.

3.3.10. Тўловлар амалга оширилмаган тақдирда Банк акцептсиз ечиб олиш ҳуқуқига эга.

3.3.11. Гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар аниқланганда, зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан Мижоз(Ташкилот)га мурожаат қилиш ҳамда ушбу операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш;

3.3.12. Қўшимча маълумотлар олишнинг имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, Мижозга огоҳлантириш характеридаги хизмат хати йўлланади ва бундай Мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай Корхонанинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиш ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиш чораларини кўради.

4. ТАШКИЛОТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ташкилот қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Карта эгалари томонидан тақдим қилинган Карталарни нақд пулсиз тўлов воситаси сифатида тўловга қабул қилиш ҳамда нақд пулли ҳисоб-китоб билан хизматлар/ товарлар/ ишлар тақдим қилинадиган шартларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб билан хизматлар/ товарлар/ ишларни тақдим қилиш.

4.1.2. Халқаро тўлов тизими (ХТТ) Карталаридан Транзакцияларни амалга оширишда қуйидагилар бажарилади:

а) Картани Ташкилот учун савдо терминалида сўмдаги микропроцессорли пластик карталари эгаларига хизмат кўрсатишга доир Йўриқномага (кейинчалик – доир Йўриқнома) мувофиқ текшириш (ушбу Шартноманинг 9-илоvasи)

б) Авторизация муваффақиятли ўтказилган ҳолатда, Чекларининг 2 (икки) нусхада чиқариши. Чекнинг биринчи нусхаси Карта эгасига берилади, иккинчиси нусхаси– Ташкилотда қолади;

с) Карта эгаси томонидан Чеклар имзоланиши назорат қилинишини амалга ошириш (Тўлов Картанинг магнит тасмаси орқали амалга оширилганда). Чекдаги имзо ва Картанинг тескари томонидаги имзо бир-бирига тўғри келиши керак. Бунда, Ташкилот Карта эгасининг Чекнинг иккита нусхадаги имзолари бир хил бўлиши назорат қилинишини амалга ошириши шарт; Чекнинг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарлик Ташкилотга юклатилади;

д) Агар авторизация амалга оширилганидан сўнг мижоз томонидан товарлар/ хизматлар/ишларни рад қилганида, Авторизацияни бекор қилиш учун Банк билан дарҳол боғланиш керак. Ушбу шартлар бажарилмаган ҳолатда Ташкилот Банкнинг барча зарарлари қоплаб беради;

е) Карталар орқали ўтказилган Транзакциялар бўйича Чек нусхаларини улар расмийлаштирилган кундан эътиборан 1 (бир) йил мобайнида сақлаш. Зарур ҳолларда, Банкнинг биринчи талабига асосан 3 (уч) иш куни мобайнида уларни Банкка тақдим қилиш.

ф) Ташкилот томонидан амалга оширилган транзакцияларнинг инкассациясини ўз вақтида амалга ошириб бориш (икки кундан ошмаган ҳолда).

4.1.3. Товарлар/хизматлар/ишлар тўлови бўйича Транзакция амалга оширилгандан сўнг Карта эгаси товарлар/хизматлар/ишларни рад қилганида, жорий Амалиёт кун мобайнида Савдо терминалидан “Бекор қилиш” операцияси орқали амалга оширилади. Савдо терминали учун “Бекор қилиш” операциясини терминалнинг Амалиёт куни ёпилганидан сўнг амалга ошириш зарур. Савдо терминалининг Амалиёт куни ёпилгандан сўнг, Карта эгасига маблағлар қайтарилиши учун Карта эгаси Банк-эмитентга мурожаат қилиши керак.

4.1.4. Савдо терминал йўқотилган ва/ёки бузилган ҳолатда, Банк томонидан белгиланган намунада Транзакциялар бўйича маълумотларни (Чеклар нусхаларини) Карта бўйича Транзакция

амалга оширилганидан сўнг кейинги банк куни мобайнида Банкка тақдим қилиш. Бунда, Ташкилот амалга оширилган Транзакциялар бўйича Карта эгасига унинг томонидан тўланган товарлар/хизматлар/ишлар тақдим қилинишини кафолатлайди.

4.1.5. Қуйидаги ҳолатларда Банкнинг амалдаги тарифларига асосан етказилган зарар қийматини тўлаш:

- Ташкилот томонидан Савдо терминалини йўқотилиши;
- Савдо терминалининг жисмоний бузилиши оқибатида унинг ишга яроқлилик қобилияти йўқолиши.

4.1.6. Карта эгалари учун кўринарли савдо хоналарида ва бевосита Савдо терминаллари ўрнатилган жойда реклама белгиларини, кўрсаткичларни ёки пластик карталари бўйича бошқа ахборот материалларини жойлаштириш.

4.1.7. Йўриқнома бўйича барча кўрсатмаларни бажариш (ушбу Шартноманинг 9-илоvasи).

4.1.8. Тўлов тизимининг “Картани ушлаб қолиш” буйруғи олинган ҳолатда, Ташкилот Картани оқилона ва тинч усуллар орқали ушлаб қолиши ва мижоздан шахсини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиши зарур. Агар мижознинг шахси тасдиқланмаса, Шундан сўнг Ташкилот бир банк куни мобайнида Банкни бу ҳақда хабардор қилиши керак. Бунда, Ташкилот ушлаб қолинган Картани Қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида фақат Банк вакилига топшириш мажбуриятини олади.

4.1.9. Йўриқномага асосан Ташкилотга Банк томонидан тақдим қилинган Савдо терминалининг тегишлича сақланишини ва белгиланган вазифаси бўйича ишлатилишини таъминлаш ҳамда Савдо терминалининг мустақил равишда таъмирланишини амалга оширмаслик ёки бунинг учун учинчи шахсларни жалб қилмаслик.

4.1.10. Банкни Савдо терминали бузилган ва йўқотилган барча ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

4.1.11. Ташкилот манзили ва унинг банк реквизитлари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек Банк Савдо терминали ўрнатилган Ташкилотнинг савдо-хизмат кўрсатиш пунктлари жойлашган манзиллар ўзгариши тўғрисида Банкка дарҳол ёзма шаклда маълум қилиш.

4.1.12. Банк томонидан Мунозарали транзакциялар бўйича Бекор қилинган тўлов олинган ҳолатда, Банкка мунозарали транзакция бўйича барча материалларни тақдим қилиш ва сабабини аниқлашда кўмаклашиш. Ташкилот томонидан асосли равишда бекор қилинган тўлов ўрни қопланган ҳолатда, унинг бўйича барча харажатлар ва комиссия ҳақини тўлаш.

4.1.13. Банкдан ёзма сўровнома олинган пайдан эътиборан 3 банк иш куни мобайнида Банкка Транзакциялар бўйича текширув ўтказиш учун Ташкилот ихтиёридаги барча мавжуд ҳужжатларни тақдим қилиш.

4.1.14. Банк Савдо терминалини учинчи шахсларга бермаслик.

4.1.15. Банкка кўрсатилган хизматлар учун ва “UZCARD” тизимидаги терминаллар бўйича/«HUMO» тизимидаги терминаллар бўйича савдо-хизмат кўрсатиш Ташкилотнинг савдо терминали орқали муваффақиятли ишланган транзакция учун комиссия ҳақини Банкнинг амалдаги тарифларига асосан муқаррар равишда ундириш ҳуқуқини тақдим қилиш.

4.1.16. Мазкур Шартларни тузишда мазкур Шартларга 3-сонли Иловага асосан намуна бўйича Анкетани тўлдириш ва уни Банкка тақдим қилиш.

4.1.17. Ташкилотнинг савдо/сервис нуқталарида режалаштирилаётган тадбирлар (хоналарни таъмирлаш, инвентаризация қилиш, қайта ҳисобга олиш, ваколатли давлат органлари томонидан текширув ва ҳ.к.) сабабли, бир ойдан кўпроқ муддат давомида транзакция амалга оширишмаслиги тўғрисида Банкни олдиндан хабардор қилиш.

4.1.18. Карта эгасига нақд пулда хизмат кўрсатиш нархларидан юқори бўлмаган нархлар бўйича хизмат кўрсатиш.

4.1.19. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан Банкнинг тўлов талабномаларини тўлаш.

4.1.20. Савдо терминаллари электр таъминоти узилган, коммуникациялар ишдан чиққан ва Савдо терминал баланси билан Банкнинг Амалиёт кун баланси ўртасида фарқ мавжуд бўлган ҳолатда ҳамда Савдо терминалнинг принтеридан чек чиқаришда техник носозлик бўлган тақдирда, иш куни охирида бажарилган оперциялар бўйича баланс шакллантиради ва кейинга амалиёт кунида банкдаги қолдиқ билан қўлда текширади.

4.1.21. Карта эгаларига нақд пул маблағларини бермаслик.

4.1.22. Ҳар куни соат 16:00 гача Савдо терминалининг Амалиёт куни ёпилишини амалга ошириш. Терминалда 5 (беш) иш куни мобайнида Амалиёт куни ёпилиши тартиботи амалга оширилмаган ҳолатда, Ташкилот ўтказилган транзакциялар бўйича қопланмаларни олмайди.

4.1.23. Ташкилот банк реквизитлари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида дарҳол Банкни хабардор қилиши шарт.

4.1.24. Ташкилот Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, мазкур Шартларга ва халқаро тўлов тизимлари қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

4.2. Ташкилот қуйидагиларга ҳақли:

4.2.1. Банкдан амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоботларни талаб қилиш.

1.2.2. Банкдан Ташкилот ходимлари учун Савдо терминалларида фойдаланиш бўйича ўқув курслари ўтказилишини ёзма равишда талаб қилиш.

1.2.3. Ташкилот бекор қилинган транзакцияларга рози бўлмаган тақдирда, Банкка 2 банк иш куни мобайнида чекларнинг асл нусхаларини тақдим қилиш.

1.2.4. Муваффақиятли амалга оширилган транзакциялар бўйича маблағларнинг ўз вақтида ўтказилишини талаб қилиш.

1.2.5. Мазкур Шартларнинг 3.1.2.-банди асосида ўз савдо-хизмат кўрсатиш пунктларидаги Савдо терминалларидаги ушбу Шартнома 10-иловасининг 7-Жадвалида келтирилган намуна бўйича Савдо терминални қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан ўз вақтида топширилишини талаб қилиш.

1.2.6. Ташкилот ҳисобварағига, ўтказма пайтида Банкнинг амалдаги тарифига асосан Банк хизматлари қиймати чегириб олинган ҳолда, Карталар бўйича ўтказилган транзакция суммалари ўтказилишини талаб қилиш.

1.2.7. Муваффақиятли амалга оширилган транзакциялар бўйича ўтказилган маблағлар мувофиқ бўлмаган ҳолатларда, Банкдан текширув ўтказилишини талаб қилиш. Бунда, Банкка муваффақиятли амалга оширилган транзакциялар чекларининг асл нусхаларини тақдим қилиш.

5. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Банк хизматлари учун тўлов Ташкилот томонидан ҳар ой Банкнинг амалдаги тарифларига асосан амалга оширилади.

5.2. Савдо терминалларидаги ўтказилган зарарни қоплаш Ташкилот томонидан Банкнинг амалдаги тарифларидан келиб чиққан ҳолда, Банк томонидан расмийлаштирилган счёт-фактура бўйича тегишли далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Банкка тўланади.

5.3. Банк Ўзбекистон Республикаси сўмидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун маблағларни ушбу Шартнома бўйича Ташкилот томонидан кўрсатилган жорий ҳисобварағига, ушбу Шартлар бўйича Банк хизматлари нархини чегириб ташлаган ҳолда ўтказди. Ўзаро ҳисоб-китоблар маблағлари ўтказмаси ўтказиш Банк томонидан операция амалга оширилганидан сўнг 3 (уч) банк иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

5.4. Банк Ташкилот билан ўзаро ҳисоб-китобларни Карталар бўйича барча ўтказилган транзакциялар суммаларидан комиссия ҳақи Банкнинг амалдаги тарифларига асосан чегириб олинган ҳолда амалга оширади.

5.5. Ҳисоб-китоб банки мазкур Шартлар бузилиши натижасида Ташкилот чекида белгиланган суммани Банк ҳисобварағидан чегириб олган тақдирда, шунингдек Банк томонидан Бекор қилинган тўловлари олинганда, Банк бу ҳақда Ташкилотни хабардор қилади ва ушбу

масалани ҳал қилиш бўйича ишлар олиб боради. Салбий қарор қабул қилинган ҳолатда, Ташкилот қайд этилган операциялар бўйича маблағларни, шунингдек улар бўйича харажатлар ва комиссия ҳақини солиштириш ўтказилгандан сўнг 7 (етти) иш кунидан кечиктирилмай тўлайди.

5.6. “UZCARD” ва “HUMO” тизимидаги терминаллар бўйича савдо-хизмат кўрсатиш Ташкилотнинг савдо терминали орқали муваффақиятли ишланган транзакция учун белгиланган комиссия ҳақи Ташкилотнинг транзит ҳисобварағига пул маблағлари тушганда (муваффақиятли ишланган транзакция) автоматик равишда чегириб олинади.

5.7. Сарфланадиган материаллар (савдо терминаллари учун термо-коғоз) Ташкилот томонидан мустақил равишда харид қилинади.

6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар томонидан мазкур Шартлар бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Ташкилот томонидан Банкка қуйидагилар натижасида зарар етказилган тақдирда:

а) Ташкилот томонидан Савдо терминал йўқотилиши – ушбу Шартнома 10-иловасининг 12-Жадвалига ва Банкнинг амалдаги тарифига асосан Ташкилот ҳисобварақ-фактура асосида Банкка етказилган зарар қийматини тўлайди;

б) Ташкилот томонидан Йўриқномага риоя қилинмаганлиги туфайли Савдо терминалнинг жисмоний бузилиши оқибатида тақдим қилинган Савдо терминалнинг ишга яроқлилиги тўлиқ ёки қисман йўқотилиши (унинг дастурий таъминотидаги ишдан чиқиш ҳолатлари бундан мустасно) – ушбу Шартнома 10-иловасининг 12-Жадвалига ва Банкнинг амалдаги тарифига асосан Ташкилот ҳисобварақ-фактура асосида Банкка етказилган зарар қийматини тўлайди.

6.3. Ташкилот Банкка ҳар қандай тақдим қилинадиган ахборотнинг шубҳасиз тўғрилиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

6.4. Мазкур Шартларнинг 5.3.-бандида қайд этилган ўтказмаларни ўтказиш кечиктирилган ҳолатда Банк Ташкилотга ҳар бир тўлов муддати кечиктирилган банк куни учун тўланмаган сумманинг 0.01% миқдорида, бироқ қарз суммасининг 10 % дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Тўловлар муддати кечиктирилган ҳолатда Ташкилот Банкка ҳар бир тўлов муддати кечиктирилган банк куни учун тўланмаган сумманинг 0.01% миқдорида, бироқ қарз суммасининг 10% дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.6. Ташкилот ўз банк реквизитларидаги ўзгаришлар тўғрисида Банкка ўз вақтида маълум қилмаган ҳолатда, Банк тўловлардаги кечикишлар учун жавобгар бўлмайди.

6.7. Ташкилот томонидан Ташкилотни ва унинг операцияларини лозим даражада текшириш мақсадида, сўралган қўшимча маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкка тақдим қилади.

6.8. Ўз навбатида, банк мижоздан олинган операциялар билан боғлиқ барча қўшимча маълумотларни сир сақлайди.

6.9. Банк қуйидагилар учун:

6.9.1. Мазкур Шартларга мувофиқ бўлмаган ёки зид бўлган Транзакциялар бўйича тўловлар таъминланмаганлиги;

6.9.2. Ташкилот томонидан Банкка Транзакциялар тўғрисида нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ўз ичига олган тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиниши сабабли Банкнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида қўлда киритиш мумкин бўлмаган Транзакциялар бўйича маблағларнинг Ташкилот ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказиш имконияти йўқлиги учун жавобгар бўлмайди.

6.10. Жарима санкциялари тўлови Тарафларни мазкур Шартлар бўйича ўзига қабул қилган мажбуриятлар тўлиқ ижросидан озод қилмайди.